

ФИЛИАЛИМИЗ ФАХРИ

2019 йилнинг 16 январь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази томонидан илк маротаба ўтказилган «Йил талабаси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов олий таълим муассасалари талабалари ўртасида 3 босқичда ўтказилиб, унда жами 316 нафар ёшлар иштирок этди. Танловнинг **«Йилнинг ихтирочи талабаси» номинациясида фахрли** 1-ўринни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали “Гидротехника қурилиши” йўналиши 3-босқич талабаси Равшанов Умид Халил ўғли эгаллади. Ушбу ютуқ билан Равшанов Умидни барча профессор-ўқитувчилар ва талабалар номидан муборакбод этиб, унинг келажакдаги фаолиятида улкан зафарлар тилаб қоламиз. Филиалимиз фахри бўлган Равшанов Умиджон Халил ўғлига тегишли маълумотларни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

1993 йил, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманида туғулган. Маълумоти тугалланмаган олий. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали талабаси,

2016 йил “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан “Камолот-сен таянчим, аҳдим, суянчим!” шиори остида ёшлар фестивалида фаол иштирок этганлиги ҳамда маънавий-маърифий тадбирларда ташаббускорлиги билан намуна кўрсатганлиги учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

2017 йил 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан “Ўзбекистон - мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахр-у ғуруримиз” шиори остидаги ёшлар ҳарбий ватанпарварлик фестивалини юқори савияда ташкиллаштиришда қўшган улкан ҳиссаси учун “Ташаккурнома” билан тақдирланган. 2017 йил “Чизма геометрия ва чизмачилик” фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида фаол иштироки учун Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган. 2017 йил “Биз чемпион” шиори остида йўл тўсиғидан ўтишда жамоалар ва индивидуал иштирокчилар ўртасидаги анъанавий “Мега спорт” мусобақасида яқиндан ҳамкорлик қилганлиги учун Ташаккурнома билан тақдирланган. 2017 йил “Ёш Фермерлар 2017” Республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичини ўтказишда фаол иштироки учун Ташаккурнома билан тақдирланган.

2018 йил “Менинг маҳалламда жиноят бўлмаслиги керак” шиори остида Бухоро шаҳар ИИБ профилактика инспекторларига кўмаклашиб юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган “Жасорат” клуби аъзоси сифатида Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган. 2018 йил Талабаларнинг инновацион ғоялар ва технологиялар ярмаркасида фаол иштироки учун 2-даражали Диплом билан тақдирланган. 2018 йил “Ўзбекистон ёшлар бузғунчи ғояларга қарши” шиори остида ўтказилган мақолалар танловида фаол иштироки учун Ташаккурнома билан тақдирланган. 2018 йил “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи” стипендиясининг Республика босқичи иштирокчиси.

2018 йил 17 ноябр 2017-2018 ўқув йили учун “Йил талабаси” Республика кўрик танловининг “Йилнинг ихтирочи талабаси” номинацияси бўйича 1-ўрин соҳиби. Унинг илмий-амалий анжуманларда 6 та, халқаро конференция ва журналларда 6 та, 1 та ўқув-услубий кўрсатмалари чоп этилган. Институтимиз жамоаси номидан филиалимиз фахрини самимий табриклаймиз ва унга янги омадлар тилаб қоламиз.



ИНСТИТУТ МАТБУОТ КОТИБИ РАҲИМБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ